



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Пахтаобод туман ҳокими,**  
**Васийлик Кенгаши раиси:**

Э.Т.Усмонов

4 юл. 2022 йил

**Пахтаобод туманида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгашининг**

**БАЁНИ №8**

**“20” июль 2022 йил**

**Пахтаобод тумани**

**Раислик қилди:**

Э.Т.Усмонов - туман ҳокими

**Иштирок этганлар:**

О.А.Расулов - туман ҳокимининг ўринбосари  
Д.Х.Саттаров - Ёшлар сиёсати, ижтимоий  
ривожлантириш ва маънавий ва  
маърифий ишлар бўйича ҳоким  
ўринбосари

Васийлик кенгаши  
котиби:

Р.Рустамов – туман Ёшлар ишлари агентлиги  
бўлими раҳбари

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2022 йил кунги №312-сонли “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва хал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида.

2. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда “Беш муҳим ташаббус” доирасидаги тадбирларни молиялаштириш.

( О.Расулов, Д.Саттаров, Р.Рустамов, )

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2022 йил кунги №312-сонли “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва хал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тумандаги ёшларни “Ёшлар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш тартиби ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, мазкур қарорга асосан “Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшларнинг муаммоларини тизимли равишда хал этиш ва уларни ижтимоий

қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартибга асосан туманда ўтказилган хатлов натижаларига кўра “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида МФЙлар кесимида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда “Беш муҳим ташаббус” доирасидаги тадбирларни “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича йиғилганларга маълумот бериб ўтди.

Шундан сўнг сўзга туман ҳокимининг ўринбосари О.Расулов сўзга чиқиб ўтган давр ҳисоботи ва янги ҳужжатлар ҳақида гапириб ўтди ва кун тартибидаги масалалар бўйича маълумот берди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда “Беш муҳим ташаббус” доирасидаги тадбирларни ўтказиш, маҳаллалар бўйича чораклик лойиҳа, танлов ва тадбирлар сони ва тури тўғрисидаги маълумотларни календарь режага мувофиқлигини текшириб, Ушбу тадбирларга ажратиладиган товар моддий бойликлар тури ва сони тўғрисида келишиб олдилар.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама этилиб, йиғилиш

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2022 йил кунги №312-сонли “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда “Беш муҳим ташаббус” доирасидаги тадбирларни мазмунли ўтказиш мақсадида “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1-иловага асосан жами 85 382 000,00 (Саксон беш миллион уч юз саксон икки минг) сўм товар моддий бойликлар сотиб олиш учун ажратилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (А.Билолиддинов)га “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1-иловада кўрсатилган товар моддий бойликларни белгиланган тартибда қонуний харид қилиш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари О.Расулов зиммасигага юклатилсин.

Туман ҳокимининг

1-ўринбосари:

Туман ҳокимининг

ўринбосари:

Васийлик кенгаши

Котиби:

О.Расулов

Д.Сагтаров

Р.Рустамов